

## **БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ**

### **2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 15-17-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 16 ноябрдаги 286-III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги СҚ-63-III-сонли “2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, меҳнат бозорининг эҳтиёжлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларини инобатга олиб, ишга жойлаштиришнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш йўли билан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 16 ноябрдаги 286-III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги СҚ-63-III-сонли “2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бухоро вилоятида 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастур кўрсаткичлари 1-иловага;

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ойма-ой кўрсаткичлари 2-иловага;

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастур кўрсаткичларининг амалга оширилишини ташкил қилиш бўйича вилоят ишчи комиссияси таркиби 3-иловага;

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастур кўрсаткичларининг ижросини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи вилоят ишчи гуруҳи таркиби 4-иловага;

2016 йилда тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш кўрсаткичлари 5-иловага;

2016 йилда шаҳар ва туманлардаги тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш кўрсаткичлари 6-иловага;

вилоят, шаҳар ва туманларда 2016 йил давомида “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси”ни ўтказиш жадвали 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинган барча дастурлар ижроси натижасида 73770 та иш ўринларини ташкил қилиш қисми бўйича:

вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси (Б.Махсудов) томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти, хўжалик бошқаруви ва йирик корхоналар билан ҳамкорликда инвестиция дастурлари ҳамда саноатни, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурларининг параметрларидан келиб чиқиб, мақсадли дастурларга киритилган объектлар бўйича жами 17500 та иш ўринлари;

вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (З.Муҳиддинов) томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти, хўжалик бошқаруви ва йирик корхоналар билан ҳамкорликда қурилиш саноатини, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастури бўйича жами 3477 та иш ўринлари;

хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (Ф.Эргашев) томонидан давлат мулки бўлган объектларини хусусийлаштириш, шу жумладан “ноль” қийматда сотиш, бўш турган давлат мулкларини ижарага бериш ҳамда молиявий соғломлаштириш дастурлари бўйича жами 1500 та иш ўринлари;

вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бозоров), туман (шаҳар) ҳокимликлари ва “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш” бўйича махсус комиссиялар томонидан фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 895 та иш ўринлари;

вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бозоров) томонидан яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жами 12377 та иш ўринлари;

Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Ш.Астанов) томонидан тижорат банклари томонидан молиялаштирилиши назарда тутилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари бўйича ҳамда тижорат банкларида ҳисоб рақами очиб фаолият кўрсатаётган мижозларнинг ўз маблағлари ҳисобига жами 14290 та иш ўринлари;

вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Ф.Жумаев) томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларида маҳсулотни ишлаб чиқариш дастурлари бўйича жами 9699 та иш ўринлари;

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси (М.Ражабов) ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими (М.Тоиров) томонидан касаначилик, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича жами 14032 та иш ўринлари яратилишини таъминлаш белгилаб қўйилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (А.Тўхтаев) инфратузилма объектлари, шу жумладан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобида ишга тушириладиган объектлар ҳисобига;

вилоят статистика бошқармаси (Б.Гиязов) ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари ҳисобига;

вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси (Х.Қобилов) 2015-2016 ўқув йилида коллеж битирувчиларининг бандлиги ҳолати бўйича иш ўринларини ташкил этиш чораларини кўрсинлар.

5. Вилоят ишчи комиссияси аъзолари ҳар ойнинг 27 санасигача ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги тезкор маълумотларни вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига тақдим этсинлар.

Дастурнинг бажарилишининг бориши, ахборотларни тўплаш ва мувофиқлаштириш ҳамда ташкил этилган янги иш ўринлари мониторингини юритиш, вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси зиммасига юклатилсин.

6. Дастур кўрсаткичларининг амалга оширилишини ташкил қилиш бўйича вилоят ишчи комиссиясига:

дастурда белгиланган тадбирларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича ташкилотчилик ишларини амалга ошириш, тегишли вилоят ташкилотлари ва ҳокимликларнинг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар ойнинг 25 санасигача бириктирилган ҳудудга чиққан ҳолда, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш вилоят дастури ижросини танқидий ўрганиб, ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама қилиб бориш;

ҳудудий дастурларда белгиланган параметрлар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажармаётган тармоқлар, корхоналар, ташкилотлар ва ҳокимликлар раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш юзасидан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимига таклифлар киритиб бориш;

ҳудудий дастурга киритилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, дастур параметрларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан катъий назорат ўрнатиш;

дастур ижроси тўғрисида ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасигача вилоят ҳокимига ахборот киритиш топширилсин.

7. Дастур кўрсаткичларининг ижросини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳига:

дастурда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича мониторинг юритиш, барча параметр кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда умумлаштириб бориш;

дастур ижросини ташкилотларда, шаҳар ва туманларда бажарилишини ўрганиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда якуний маълумотларни умумлаштириб, вилоят ишчи комиссиясига ҳар ойнинг 20 санасига қадар тақдим этилишини таъминласин.

8. Шаҳар ва туман ҳокимларига:

дастур асосида 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиб, тегишли қарор билан тасдиқлаш;

дастур ижросининг бориши ҳақида ҳар ойда белгиланган муддатда вилоят ишчи гуруҳига ёзма ахборот тақдим этиш топширилсин.

9. Вилоят статистика бошқармаси (Б.Гиязов) барча чора-тадбирлар ҳисобига ташкил этиладиган иш жойларининг статистик ҳисоботларини юритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг [buxoro.uz](http://buxoro.uz) расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вилоят ҳокими**

**М.Эсанов**